



“Девону луғати-т-турк” даги икки хил ҳаракатланган сўзларнинг
Қосимжон Содиқов нашрида берилиши

Зилола Сатторова

Докторант

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация: “Девону луғати-т-турк” асари қўлёзмасида туркий сўзлар араб алифбоси асосида ёзилган. Айрим сўзларда бир ундош товушга бирйўла икки хил ҳаракат қўйилганини кўриш мумкин. Ушбу мақолада 2017 йилда асарни ўзбек тилида нашрга тайёрлаган профессор Қ.Содиқовнинг бу каби сўзларни нашрда берилишига оид муносабати таҳлилга олинган.

Калит сўзлар: илмий нашр, ҳаракат, диалект, туркий матн, асл манба, аслият, котиб.

297

“Девону луғати-т-турк” да бош сўз вазифасида келган айрим бирликларда ундош устида ҳам *fathā*, ҳам *kasra* ёки *ẓamma* ва *kasra* қўйилган. Шунингдек, сўз ўртасида келганда ёзилиши бир хил, фақат нуқталари ўрни ва сонига кўра фарқланадиган ундошларда айнан ост-уст нуқталари барабар қўйилган. Матнда келган ва Қосимжон Содиқовнинг нашри ¹га киритилган икки хил ҳаракатланган сўзларни қуйидагича хусусийлаштириш мумкин:

1. Бир ҳарфга ҳам *fathā*, ҳам *kasra* қўйилиши- *sesindi* / *sesāndi* – уришга қасд қилди; *atīnču* / *itīnču nāṇ* -ташланган, отилган нарса.

2. Бир ҳарфга ҳам *fathā*, ҳам *ẓamma* қўйилиши: *ürgürdi* / *ergürdi* – улгурди (101); *tat* / *tut* – қилич ва пичоқлар устида пайдо бўладиган занг (295); *yoğaç* / *yoğuč* – ариқ ва дарёнинг нариги қирғоғи (326)

3. Бир ҳарфнинг ҳам *ṣ* ҳам *ṣ̣* ўқилиши: *sarqīyīq* / *sarqīniq* -ҳар қандай нарсанинг ичи (385)

4. Бир ҳарфга ҳам *kasra*, ҳам *ẓamma* қўйилиши: *turuğ* / *turiğ* – тоғлардаги қалъа (150); *sačğürdi* / *sačğirdi* – сочираёзди (264); *yış* / *yuş* – тўпланиш (324); *sūñüt* / *siñüt* – совға (446).

Сўзнинг икки хил ўқилиши ва қайси шакли тўғри ёки нотўғрилиги устида баҳслар юзага келди. К.Рифат фақат битта вариантни қолдириб, қолганини хатолик деб билган бўлса, А.Рустамов *сэвук* ва *севич* ёки *бэк* ва *бек* каби бир сўзнинг турли вариантлари деб қабул қилган (АР.1,19)². Турк тадқиқотчилари А.Эржиласун ва З.Аккаюнлилар икки хил ҳаракатланган сўзларни ҳам котибга, ҳам кейинги асрларда матнни таҳрир қилган бошқа

¹ Маҳмуд Кошғарий. “Девону луғати-т- турк” –Т.: Ғафур Ғулом. Нашрга тайёрловчи Содиқов Қ. 2007. Б.482

² Кодлаштирилган манбалар мақола сўнггида кўрсатилди.

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСИЛИКНИНГ ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

котибга тегишли деб ҳисоблайди. Абу Бакр Дамашқий колофонда айнан Кошғарий ўз қўли билан ёзган нусхадан кўчириб битганини асос қилиб кўрсатади. Уларнинг фикрича, котиб Дамашқий катта эҳтимол билан турк ёки ўғузлардан бўлиб, унинг кўплаб хатоликлар билан матнни кўчириши мантиқсиз эди (Эржиласун-Аккаюнли. 2014, lxi-lxii). У 200 йилдан сўнг матнни қайта кўчиради ва шу давр мобайнида тилда юзага келган ўзгаришларни киритиб кетган бўлиши мумкин. Матнда икки вариантли деб таъкидлаб ўтилган ва бошқа ўринларда шундай ҳаракатланган сўзларни М.Кошғарий ёзганини тан олади¹. Аксинча, қаҳваранг сиёҳда *fathā*, *kasra* ва *ḡamma* қисқа унлилари сўз ичида шу товушларнинг чўзиқлигини англатувчи *ا, و, ي* га қўйилишида маъно кўрмайди. Шунингдек, арабча матнда ҳам бу каби ҳаракатланишнинг аҳамияти йўқлигини таъкидлайди. Р.Денкофф Ж.Келлилар тахминидек, икки ҳаракатлиликни матнни таҳрир қилган “жигаранг сиёҳ” ва “кейинги қўл” эгаларининг “иши” эканлиги аниқлаш мураккаб деб хулоса қилади.

Қ.Содиқов матннинг бу хусусиятини айнан котибнинг қаламидан чиққани, унинг матнни хато кўчириши мумкин эмаслигини, балки Маҳмуд Кошғарий сўзнинг диалектал вариантини кўзда тутганини таъкидлаб, бундай сўзларни тўрт гуруҳга хусусийлаштиради. Талай мисоллар билан асослайди: (163b) *أَرَأَيْدِن تَشِيقْدِي / أَرَأَيْدِن تَشِيقْدِي* - *er ewdin tašiqdi/ er ewdin tišiqdi* – эр уйдан ташқари чиқди. Таъ сўзининг *ī* ли варианты бугунгача сақланиб қолгани, турк миллатида *dışariya*, *dışarı çıkdı*, қадимги Хоразм топонимларидан *Dišanqala* (*шаҳар ташқарисидаги ўрда*) лексемаларининг сақланиб қолиши шу асосдан деб уқтиради. (ҚС,8).

Домла матнда *qou/qon* сўзлари тўрт ўринда икки хил вариантли қилиб берилганини кўрсатган: (ҚС,8). Тушум келишигини олган *qouyğ* сўзида *و* дан кейин ҳам *ن* ва *ي* нинг нуқталари остма-уст қўйилган: 1. *أَلْ قُوَيْغ / قُوَيْغ أَرْ كَلَادِي* - *ol qouyğ/qonuğ özüklädi* – у қўйнинг ўқ томирини кесди (776); 2. *أَلْ قُوَيْغ / قُوَيْغ أَرْ كَلَادِي* - *ol qouyğ/qonuğ baturdi* – у қўйни боғлатди (265a); 3. *أَرْ وَيغ / قُوَيْغ سُوَيْدِي* - *er qouyğ/qonuğ soydi* – киши қўй терисини шилди (276b); 4. *أَرْ وَيغ / قُوَيْغ سَادِي* - *er qouyğ/qonuğ sadī* – киши қўйни санади (277b).

Агар бу икки хилликни янглишлик деб оладиган бўлсак, котиб бирйўла тўрт ўринда бир хил хатога йўл қўймаган кўринади. Қолаверса, Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи ҳам “Лаҳжаларда бўлган тафовутлар” бўлимида бундан айнан келтирган: ...турклар *qou* десалар, улар [ўғузлар] *qon* дейдилар (МК,25).

Бошқа намуналарда ҳам кўриб чиқамиз: *تَقْلَدِي/تَقْلَدِي* - *tiqildi/taqildi* – *et šišqa tiqildi/tāqildi* – гўшт сих ва бошқа нарсаларга тақилди (ҚС.246). Иккинчи вариантда сихга гўшт тақилди деб талқин қилиш мумкин. *lām ḡarḡu* уч хил ҳаракатнинг бири билан ҳаракатли, *ʿaun ḡarḡu* *sukun lu faʿlaldī* сўзлар бобида *تَقْلَدِي* сўзи қўйидагича келади: [*تَقْلَدِي/تَقْلَدِي* - *taqturdi/tiqturdi* – тердирди] - *et šišqa taqturdi / tiqturdi* – гўштни сихга тердирди (ҚС,259). Матннинг икки жойида бир хил ҳолат такрорланяпти. Яна бир ҳолат, *olar ikki tirmašdi/tarmašdi* – улар иккови тимдалашди (ҚС.270). Мазкур феълнинг икки варианты ҳам ҳозирда жонли нутқда қўлланади.

¹ *butiq-butāq* сўзларининг матнда уч ўринда икки хил ҳаракатли берилиши Маҳмуд Кошғарийнинг мазкур сўзга келтирган изоҳи билан мос тушгани учун тўғри деб баҳолайди.

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСИЛИКНИНГ ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

Маҳмуд Кошғарий ўғуз қабилалари номлари ва тамғаларини киритганда ўн тўртинчи қабила номи كَادَر ga кейинги fatha ва kasra жигарранг сиёҳда қўшилган. Бу эса сўзнинг ҳам *igdar*, ҳам *igdir* ўқилишини таъминлайди. (МК.40/14). С.Муталлибовда *-igdär* (СМ.1,90) ва бошқа нашрларда, яъни туркча (БА.1,57), инглизча (ДК. 1,102), русча (К.1,96), М.Аузева русчаси (МА.1,92) да – *igdir* олинган. 2009 йилда Озарбайжон олими Булудхан Хелилов “Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида этнонимлар”¹ мавзусидаги монографиясида Фаруқ Сумарнинг “Ўғузлар” тадқиқотига мурожаат қилган. Илмий ишда ўғузлар кенг қўламда тадқиқ этилган бўлиб, ДЛТ билан деярли бир даврда ёзилган тарихчи Рашидиддин ва Ўзбечўғли Алиянинг асарларида келтирилган ўғуз қабилаларининг таснифини билан қиёсланган. Унга кўра қабила номи ДЛТ да - *igdir*, Рашидиддинда – *yigdir/iqdir* шаклида қайд этилган. Б.Халидов этнонимларнинг этимологиясини ишлаб чиққан ва мазкур қабила этимологиясини шундай келтирган: “Катта эҳтимол билан бу этнонимнинг илк варианты *yigdir* бўлган. Бунда *iq//yiq///yiqd* вариантлари *igid* сўзининг фонетик вариантларидир. *iqdir* этноними “улуғлик, ғурур” маъносини англатиши ҳам буни тасдиқлайди. *Iqdir* этнонимидаги “*ir*” қисми “киши, одам, эр” маъносинин билдирадиган *är* сўзининг фонетик вариантыдир². Демак, Кошғарийнинг қабила номини ҳам *igdar* ҳам *igdir* эканлигига ишора қилган деб тахмин қилиш мумкин. Қ.Содиқов нашрида эса шундай келади: “Ўғуз қабилалари изоҳи келтирилганда ўн тўртинчи қабила *igdär/igdir* – игдарлардир”. (ҚС.37) Шу ўринда домланинг ёндашуви қўлёзма хусусиятларини аниқроқ ифодалашга хизмат қилганини кўриш мумкин.

299

قِرْفَتْلَانْدِي - qizğutlandi (қизғутланди) – *er ištän/ištän qizğutlandi* – киши ўз ишининг камчилигининг сезгач, афсусланиб, у ишдан қайтди (ҚС.291) Бу ерда чиқиш келишигининг икки хил шакли ҳам олинган. Ўрганилаётган манба даврида бу қўшимчанинг ҳар икки тури ҳам тенг муомалада бўлган³. Чиқиш келишиги жумлада, *ажралиш, халос бўлиш* субъектив маънога хизмат қилган. Қўлёзмада *ش kasra* олган. Демак, *er ištän qizğutlandi* деб ўқиш мумкин. Таржимада ўзлик олмошининг келиши ҳам буни тасдиқлайди. Домла чиқиш келишигининг икки вариантини ҳам олгани сабаби, ت нинг устига fatha, остига эса ي нинг нуқталари қўйилган (МК.402/2).

Шу саҳифадаги яна бир сўз - *تَرْمُتْلَانْدِي tarmutlandi* (*turmutlandi*?) – *suw tarmutlandi* - сув билакли, кема юрар даражада катта бўлди. Бу сўзнинг икки вариантда берилишининг асоси юқоридагилардан фарқ қилади. Қўлёзмада биринчи шакл - *تَرْمُتْلَانْدِي tarmutlandi*, масдари ва келаси замон шакли *تُرْمُتْلَانْدِي turmutlandi*. ДТС да fathaли вариант олинган (ДТС, 539). Қўлёзмада кейинги таҳрир амалга оширилган. Масдар ва келаси замондаги биринчи fatha устига нуқта қўйилиб, сунъий равишда ẓамма ясалган. Қўлёзманинг 227 саҳифасида *تَرْمُت tarmut* сўзига *тоғларнинг тепалик ва сойликлари* деб изоҳ берилган (ҚС,180). Агар икковини бир ўзакли деб олиш мумкин бўлса, унда кейинги таҳрир ўринсиз. Домланинг кейинги сўзга махсус сўроқ белгисини қўйиб кетиши шу важдан бўлиши керак. Кошғарий ғализликлар ва ҳажм кенгайиб кетмаслиги учун имкони етгунча матнни қисқа қилишга ҳаракат қилган.

¹ Хелилов В. Маҳмуд Каšгаринин “Divani lügät-it-türk” әsәрindә etnonimlär. “Garisma” mms. Baki.2009. -S.110

² Ўша манба. -Б. 104-105.

³ Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. Т: 1965. Б.43

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСИЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Матнда kasra ва zamma билан боғлиқ мураккаблик аксариятни ташкил этмоқда. Ҳозирги жонли нутқда ҳам буни кўришимиз мумкин: *уриш / уруш, кулги / кулгу* каби. Хусусан “кулги” сўзининг матндаги шакли: *كُلْنِجْ / كُئْنِجْ külinč / külinč* - кулги (ҚС.450). Шунингдек, салмоқли ўринларда икки вариантлик қўшимчалар доирасида келади. Эҳтимол, муаллиф лаҳжалардаги фарқларни ёки фонетик ўзига хосликларни ҳаммасини ҳам таҳлил қилмасдан, икки хил вариантини бирдан ёзиб кетгандир. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, домла нашр жараёнида қўлёзма хусусиятларини тўлиқроқ юзага чиқаришга ҳаракат қилган ва матндаги ўзгаришларни изчил киритиб борган. Бу эса тарихий тилшуносликка оид янги тадқиқотларга асос бўлиши мумкин.

Икки хил яқунланган масдарларнинг нашрда берилиши. Маҳмуд Кошғарий феълларни ўтган замонда беради ва масдар, келаси замон шаклларини ҳам кўрсатиб ўтади. Масдарлар *qāf* قەки *kāf* ك билан тугайди. Маҳмуд Кошғарий масдарлар ҳамма феълларда бир хил бўлиши, ўзагида *qāf*, *ḡaun* ҳарфлари бўлган ёки талаффузда тўлиқ айтиладиган сўзларда *-maq* қўшиб ясалиши ва ўзагида *kāf* ҳарфи бўлган ёки ингичка талаффуз қилинадиган сўзларда *-māk* қўшиб ясалиши ҳақида қоида келтирган. (ҚС.2017,219). Бироқ қўлёзмада 61 та масдар биратўла ҳам *qāf* ق ҳам *kāf* ك билан қлигатурасида яқунланган: *يَرِلْمَاقْ [yarilmāq]*, *يُئْمَاقْ [yūminmaq]* каби (МК, 477,480).

К.Рифат буни хато ҳисоблаб иккисидан бирини олган. Б.Аталай 27 ўринга махсус изоҳлар қўшган ва у ҳам ҳарфларни бирини танлаган.¹ Инглиз тадқиқотчилари Р.Денкофф ва Ж.Кэлли тадқиқотида эса буларнинг барчаси эътиборга олинган. Уларнинг кузатувида кўра, ҳарфлар комбинациясининг 36 тасида аввал *ك*, сўнг *ق* ёзилган. 21 ўринда аксинча, *ق* олдин, *ك* эса кейин қўлланган. (Денкофф-Келли,64,65) ва масдарларнинг икки хил яқунланиши айрим лаҳжа ёки шевага хос хусусият бўлиши мумкинлиги тахминланган. Қ.Содиқов нашрида бу масалага етарли эътибор берилган. Домла қўлёзма билан ишлаганда лигатура билан яқунланган феълларни 51 тасини нашрга киритган. Масдарларни сатр ости иловага кўрсатиб ўтган. Мисол тариқасида *يُؤدِدِي* *yūḍīdī* сўзига ишора қилиб ёзади: *Бу сўзнинг масдари kāf ва qāf билан ёзилган (يُؤدِمَاقْ) [yūḍīmaq]* (ҚС.353); *قَزِشْدِي* *qazīšdī* – қазишди сўзига: масдар шакли *kāf* билан ёзилиб, кейин *qāf* билан тузатиб қўйилган (*قَزِشْمَاقْ) [qazīšmaq]* (ҚС.237) Шунингдек, қўлёзмада янглиш хато кетган икки масдарни Кошғарий келтирган қоида асосида тўғирлаб нашрга киритган: *- يِؤِغْتُرْدِي* *yūğturḍī* феълнинг масдари - *يِؤِغْتُرْمَاقْ* *yūğturmaq* (ҚС.355) шаклида олинган, қўлёзмада *kāf*, аксинча, *يِؤِغْرُشْدِي* *yūğrūšdī* феълнинг масдари *يِؤِغْرُشْمَاقْ* *yūğrūšmaq* олинган, қўлёзмада – *qāf*.

Қосимжон Содиқов бошқа ноширлардан фарқли тарзда қўлёманинг барча хусусиятларини нашрда тўлиқ ифодалашга ҳаракат қилган ва бу ишни муваффақиятли амалга оширилган. Хусусан, нашрда сўзларнинг икки хил вариантнинг ҳам берилиши бу борада янги матншунослик тадқиқотида ҳам асос бўла олади.

Манбалар:

1. МК - Mahmud bin al-Husayn bin Muhammad al-Kashg'ari. Kitābu dīvānu lug'āti'-t-türk. Tipkibasim-Türkçe Sözcükler, Özel Adlar Dizini. Yayına hazirlayan

¹ Şaban Kurt. Özel Adlar Dizini. Istanbul, 2008. S.17

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСИЛИКНИНГ ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

Şaban Kurt. Istanbul, 2008.638+ 319 s. (Тадқиқот давомида қўлёзманинг мазкур факсимил нашридан фойдаланилди).

2. **ҚС** - Маҳмуд Кошғарий. “Девону луғати-т- турк”–Т.: Ғафур Ғулом. Нашрга тайёрловчи Содиқов Қ. 2007. Б.482

3. **БА** – Atalay Besim. Divanü Lügat-it-Türk Tercümesi. Ankara, 1939-1941. I,II,III с

4. **ДК** - Mahmud al-Kashgari, Compendium of the Turkic Dialects (Diwan Lugat at-Turk), edited and translated with introduction and indices by Robert Dankoff, in collaboration with James Kelly. Cambridge, Mass. [In: Sources of Oriental Languages and Literatures, ed. Sinasi Tekin.] Part I: 1982 (Pp. xi + 416). Part II: 1984 (Pp. iii + 381). Part III: 1985 (Pp. 337 + microfiche)

5. **К** - Махмуд ал -Кашгари. Диван лугат ат-турк (Свод тюркских слов): в 3 т. / Пер. с араб. А.Р. Рустамова под ред. И.В. Кормушина, прим. И.В. Кормушина, Е.А. Поцелуевского, А.Р.Рустамова; М.: Вост. лит.,2010-том 1.461 с.

6. **АР** - Маҳмуд ал Кашгари. Диван лугат-ат-турк. (Свод тюркских слов). Перевод с арабского языка А.Рустамов. под редакцией С.Хасанова, Ш.Хасановой, С.Рустамий, М.Рустамова и др. Том III Т: Мумтоз сўз. 2018.